

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Уч.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ДАМИНОВ АБДУВАЛИ АСАДУЛЛОЕВИЧ

ЭКОЛОГИК СУҒУРТАНИ ХУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

12.00.06 – Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ.
Экологик ҳуқуқ

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Даминов Абдували Асадуллоевич Экологик суғуртани ҳуқуқий таъминлаш муаммолари.....	3
Даминов Абдували Асадуллоевич Проблемы правового обеспечения экологического страхования.....	23
Daminov Abduvali Asadulloevich Problems of legal support of ecological insurance.....	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	49

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Үч.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ДАМИНОВ АБДУВАЛИ АСАДУЛЛОЕВИЧ

ЭКОЛОГИК СУҒУРТАНИ ХУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

12.00.06 – Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ.
Экологик ҳуқуқ

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
№В2020.2.PhD/Үи394 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Холмўминов Жуманазар Тоштемирович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Усмонов Муҳаммади Баҳриддинович юридик фанлар доктори, профессор Файзиев Шухрат Хасанович юридик фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг Божхона институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Үи.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 5 март соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (+99871) 233-66-36 факс: (+99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1005-рақам билан рўйхатга олинган) (манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 13. Тел.: (+99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил 15 февраль куни тарқатилди.

(2022 йил 15 февралдаги 2-рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature of I.P. Rustombekov]

И.Р. Рустамбеков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

[Handwritten signature of D.Yu. Xabibullaev]
Д.Ю. Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

[Handwritten signature of S.S. Guliyev]

С.С. Гулямов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларида кейинги пайтларда табиий офатлар ва инсон фаолияти туфайли қатор экологик ўзгаришлар содир бўлмоқда. Иқлим ва об-ҳаво ер шарининг барча минтақаларида сезиларли тарзда ўзгармоқда, сув ва тупроқ таркиби тобора ифлосланмоқда, ўсимлик ва ҳайвонот турлари камайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, атроф муҳитга, сайёрамиздаги барча инсонларнинг соғлиғига кескин салбий таъсир кўрсатмоқда¹. Табиий ва экологик офатлар жаҳон иқтисодиётига жиддий ва ортиб бораётган зарар етказишда давом этмоқда. Фақатгина 2016 йилда MunichRe (2017) 750 та йирик глобал йўқотишларни аниқлади, бу 8700 га яқин ўлим ва жами 175 млрд. доллар йўқотишни ташкил этди². Ўтган 2021 ва 2020 йиллар таҳлили ҳам кўп нарсани кўрсатади.

	The figures of the year 2021	The figures of the year 2020
Number of events	960	980
Overall losses in US\$ m	280,000	210,000
Insured losses in US\$ m	120,000	82,000
Fatalities	10,000	8,200

Умуман олганда, 2021 йилда табиий офатларнинг суғурталанмаган қисми 60 % атрофида бўлди. Яна бир бор таъкидлаш жоизки, Осиёнинг ўсиб бораётган иқтисодиётларида йўқотишларнинг фақат кичик бир қисми суғурталанган³. Мазкур муаммоларни олдини олишда экологик қонунчилиқни янада такомиллаштириш ҳамда экологик суғуртани жорий этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, *биринчидан*, содир бўладиган табиий офатлар ва техноген ҳолатлар кутилмаганда, фавқулодда содир бўлиши туфайли уларни олдини олишда суғурта компанияларининг захира маблағларидан фойдаланиш ҳар бир мамлакатни иқтисодий танг аҳволга тушиб қолишини олдини олишда асосий манба ҳисобланади; *иккинчидан*, атроф муҳитга ва инсонларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкига етказилган зарарни тезда бартараф этиш муҳим ҳисобланади; *учинчидан*, экология учун таҳдид солувчи потенциал экологик хавфли бўлган фаолият (саноатнинг нефт, кимё, металлургия ва транспорт тармоқлари) фаолият юритиши янада кенг амалга оширилиши; *тўртинчидан*, ушбу фаолият турларини амалга оширувчи йирик корхоналар йирик экологик таваккалчиликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини тўлиқ молиялаштиришга қодир эмаслиги; *бешинчидан*, кўпчилик мамлакатлар давлат бюджетларининг молиявий имкониятлари фавқулодда ҳолатлар юзага келганда кутилмаган харажатларни қоплашга имкон бермаслиги каби ҳолатлар билан изоҳланади. Мазкур ҳолатлар экологик харажатларни давлат бюджетига оғирлик

¹ <https://parliament.gov.uz/upload/iblock/074/fpjeggfutkglyz-jzajpbbodcelhrf%20dwvnbcthwncsyq.pdf>.

² Munich Re. 2017. Natural catastrophes in 2016. Accessed November 17, 2017.

³ <https://www.munichre.com/en/company/media-relations/media-information-and-corporate-news/media-information/2022/natural-disaster-losses-2021.html>.

қилмасдан қоплаб беришга қодир тизимни ташкил этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида экологик хавфни умумий жавобгарликни суғурталаш шартномасидан чиқариш ҳамда атроф-муҳитни ифлослантириш билан боғлиқ барча хавфларни фақат экологик суғурталаш доирасида суғурталашга ўтиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу борада яқин хориж давлатларида ҳам қонунчилик базаси яратилмоқда. Жумладан, Қозоғистонда “Мажбурий экологик суғурта қилиш тўғрисида”ги (2005), Озарбойжонда “Мажбурий экологик суғурта тўғрисида”ги (2002) Қонун амалда. Россия Федерациясида “Мажбурий экологик суғурта қилиш тўғрисида”ги Федерал қонунни ишлаб чиқишга киришилган¹. Атроф муҳит ҳуқуқи (Umweltrecht) Германия учун ҳуқуқнинг комплекс тармоғи ҳисобланади². АҚШда экологик жавобгарликка тааллуқли қоидалар “ифлослантирган шахс ҳақини тўлайди” принципига асосланади. Бу принцип 1980 йилда қабул қилинган ва “Суперфонд” номи билан танилган Атроф муҳитни тиклаш ва сақлаб қолиш учун ҳар томонлама жавобгарлик тўғрисидаги Федерал қонун – Environmental superfund 1980 да мустақамланган³. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, экологик суғурталаш бўйича ҳар бир давлат ўзининг миллий экологик суғурта тизимини яратиш⁴га ва табиий офатларни олдиндан аниқлаш бўйича сунъий интеллектдан фойдаланиш ва табиий офатлар билан боғлиқ маълумотларни ҳимоялашга катта аҳамият бермоқда.

Республикамизда амалдаги қонунчиликнинг таҳлили тадқиқ этилаётган мавзу доирасида қонунчилик ҳамда амалиётда ҳал этилиши лозим бўлган қатор масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, тадқиқот мавзусининг чуқур ўрганилмаганлиги, бугунги замон талаблари фонида келиб чиқиш эҳтимоли катта бўлган экологик суғурта ҳуқуқий муносабатларини тадқиқ этиш, экологик суғуртани амалга оширишда давлат бошқарувини йўлга қўйиш ҳамда экологик суғуртани жорий этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизминини ишлаб чиқиш зарурати, бунда илғор хорижий тажрибани ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992), “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1999), “Экологик аудит тўғрисида”ги (2021) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017) ПФ–4947-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019) ПҚ–4412-сон

¹<https://parliament.gov.uz/upload/iblock/3a5/xevwlgafipcxtris%20snatvvnnavdtuyz.pdf>.

²<https://www.pinsentmasons.com/de-de/out-law/leitfaden/environmental-law-in-germany>.

³<https://www.google.com/search?q=environmental+superfund+1980&oq=Superfund+1980&aqs=chrome.2.69i57j0i19i22i3013.5973j0j7&sourceid=chrome&ie=UTF-8>.

⁴Tooth, R., and G. Barker. 2007. The Non-Insured: Who, Why and Trends, Report prepared for the Insurance Council of Australia. Accessed November 17, 2017 // <http://www.insurancecouncil.com.au/>; Turkish Catastrophe Insurance Pool (TCIP). 2017. Accessed November 17, 2017 // <http://www.tcip.gov.tr/>; Linnerooth-Bayer, J., A. Vari, and R. Mechler. 2005. “Designing a Disaster Insurance Pool: Participatory and Expert Approaches in Hungary and Turkey” In *Catastrophic Risks and Insurance*. OECD: Paris.

Қарори, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020) ПФ–6079-сон Фармонида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида экологик суғурта соҳасида илмий-назарий ишланмалар мавжуд эмас, мавжуд нашрлар эса обзор ёки ахборот бериш хусусиятига эга бўлиб, “экологик суғурта” тушунчасидаги бир жиҳатни – фақат ошиқча экологик хавф манбалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш соҳасини ёритади.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятини тартибга солиш, шунингдек суғурта соҳасида Ўзбекистонлик олимлардан Ж.Т.Холмўминов, М.Б.Усмонов, Ш.Х.Файзиев, Ю.О.Жўраев, М.М.Нурматов, Ж.И.Сафаров, С.С.Ҳамроев, Д.Умаров, О.Утегенов, К.Бабаназаров, Г.Узоқова, М.А.Аминжонова, Н.Н.Абдуллаева, М.Х.Баратов¹ларнинг илмий ишлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Жумладан, ушбу мавзу бўйича Ж.Т.Холмўминов, М.М.Нурматов, М.С.Болтаевларнинг олиб борган тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб этади². Россияда экологик суғуртанинг умумий масалалари таниқли олимлар С.А.Боголюбов, В.В.Петров, В.Д.Ермаков ҳамда С.М.Сухов томонидан тадқиқ этилган³.

Бу борада Қозоғистон ҳуқуқий фани суғурта соҳасида анчагина мазмунли тадқиқотларга эга. Улар орасида Г.И.Маянлаеванинг “Суғурта бозорининг ривожланиши ва Қозоғистон Республикасида унинг тартибга солиниши”⁴, Н.Н.Абдуллаеванинг “Жавобгарлик суғуртасининг ҳуқуқий тартибга солиниши”⁵, М.Н.Гекконинг “Қонунчилик бўйича суғурта қилиш шартномаси”⁶, Б.У.Сманнинг “Суғурта ҳуқуқий муносабатларини давлат томонидан тартибга

¹Мазкур илмий тадқиқот ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

²Холмўминов Ж.Т., Даминов А.А. Вопросы объекта и субъекта экологического страхования // Философия и право. 2011. –№2. –С.9-11.; Нурматов М.М. Ўзбекистон экологик сиёсатининг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш: Юрид. фан. докт ...дисс. –Тошкент: 2019.; Болтаев М.С. Тиббий суғурта шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари: Юрид.фан.номз.дисс....Автореферати. –Тошкент: 2012. 27-б.

³Мазкур олимларнинг илмий тадқиқот ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁴ Маянлаева Г.И. Развитие страхового рынка, и его регулирование в Республике Казахстан: Дис. ... канд. юрид. наук. –Алматы: 1999. 37-с.

⁵ Абдуллаева Н.Н. Правовое регулирование страхования ответственности: Дис... канд. юрид. наук. –Алматы: 2006. 141-с.

⁶ Гекко М.Н. Договор страхования: Дис. ... канд. юрид. наук. – Алматы:2005. 12-с.

солишнинг самарадорлигини ошириш”¹ каби илмий ишлари алоҳида ўрин тутлади. Қозоғистонлик олимлардан К.Жуйриков, И.Назарчукнинг “Страхование: теория, практика и зарубежный опыт”, А.И.Худяковнинг “Страховое право РК” ишларида суғуртанинг умумий қоидалари ишлаб чиқилган.

Даврий адабиётлардаги илмий мақолаларда ҳам мазкур мавзунинг айрим жиҳатлари ёритилган. Масалан, экологик суғурта соҳасидаги қонунчиликнинг шаклланиши ва такомиллашуви муаммолари Г.П.Серов Н.В.Кичигин, А.Г.Нецветаев, М.С.Жилкин, А.В.Малишенконинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Диссертация мавзуининг бошқа бир жиҳатлари Г.А.Моткин, И.Л.Абалкина, Н.Ю.Котелникова, А.Л.Бажайкиннинг ушбу турдаги суғуртани ҳуқуқий тартибга солиш назарияси ва амалиёти соҳасидаги монографияларида ҳам ёритилган. Узоқ хорижда ҳам масала у ёки бу қирралари М.Caron, P.Vojanowski, A.Joulin and Douze, D.W.Bates, S.Saria, L.Ohno-Machado, A.Shah каби мутахассисларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда².

Кўрсатиб ўтилган тадқиқот ишлари илмий-назарий аҳамиятга эга бўлиб, миллий қонунчилик ва ҳуқуқ тизимимизда экологик суғуртанинг фуқаролик йўналишига бағишланган комплекс монографик тадқиқотлар бўлса-да, аммо бу мавзуда алоҳида илмий-тадқиқот иши олиб борилмаган. Тан олиш керак, экологик суғурта мамлакатимиз учун нисбатан янги соҳа, янги тематикадир.

Шу муносабат билан тадқиқотда мазкур масалани концептуал ўрганиш, таҳлил қилиш, мамлакатимиз учун заруратини очиб бериш, ҳуқуқий асослари ҳақида таҳлиллар олиб бориш, бу борада қонунчиликка аниқ таклиф-тавсиялар бериш белгилаб олинди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни экологик-ҳуқуқий таъминлаш муаммолари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади экологик суғуртанинг моҳияти ва уни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини, хусусан, экологик аудитни ўрганиш ҳамда илмий таҳлил қилиш, экологик суғуртани ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш борасида таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

экологик суғуртанинг юридик табиати, принциплари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

экологик суғурта муносабатларининг мазмуни, объектлари ва субъектларини очиб бериш;

экологик суғурта нормаларининг экология ҳуқуқида тутган ўрни ва ролини

¹ Сман Б.У. Повышение эффективности государственного регулирования страховых правоотношений: Дис. ... канд. юрид. наук. –Алматы: 2002. 25-с.

²Мазкур олимларнинг илмий тадқиқот ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

тадқиқ этиш;

экологик суғуртани ташкил этишда давлат органларининг ваколатларини таҳлил этиш;

экологик суғурта ўтказиш тартиби ва шарт-шароитларини таҳлил этиш;

экологик зарарни қоплашда экологик суғуртанинг роли ва аҳамиятини ўрганиш;

экологик суғуртани ташкил этиш бўйича халқаро тажрибанинг қиёсий таҳлилини ўтказиш;

Ўзбекистонда экологик суғуртани ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш истиқболларини прогнозлаш;

экологик суғурта билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти экологик суғурта соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети соҳага доир мавжуд миллий ва хорижий ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, юридик фандаги мавжуд концептуал ёндашувлар ва ҳуқуқий категориялардир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб бориш жараёнида тарихийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мантиқийлик, қиёсий-ҳуқуқий, статистик каби усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

экологик аудитнинг асосий вазифаси сифатида экологик аудит субъекти фаолиятининг атроф-муҳит ҳолатига таъсирини баҳолаш асослаб берилган;

экологик аудитнинг асосий вазифаси сифатида атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг юзага келиш хавфини камайтириш асослантилган;

экологик аудит хулосаси аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир тавсияларни, экологик аудит субъекти томонидан амалга оширилаётган табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ва таклифларни ўз ичига олиши кераклиги асослаб берилган;

экологик аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида мустақил экани, экологик аудиторлик ташкилотларининг, шунингдек улар ходимларининг фаолиятига мустақил экологик аудитни амалга оширишга монелик қилиш мақсадида аралашинишга ҳамда қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказишга йўл қўйилмаслиги асослантилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий суғурта бозорига экологик суғурта турини олиб кириш билан боғлиқ концептуал хулоса асослаб берилган;

мамлакатимизда табиий ва антропоген офатлардан суғурта қилиш механизмини яратиш бўйича илмий асослантилган хулосалар берилган;

Ўзбекистон Республикасида табиий ва экологик офатлардан суғурта қилиш миллий дастурини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга киритиш лозимлиги асослаб берилган;

экологик суғурта тизимини ривожлантиришнинг муқобил вариантлари таклиф этилган. Хусусан, давлат секторида янги тузилма – давлат суғурта компаниясини яратиш; табиий ва экологик офатлар шароитида мол-мулкни суғурталашнинг мавжудлиги ва фойдаланиш имконияти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун “Ўзагросуғурта” АК ДАСК суғурта компанияси (ёки бошқа давлат суғурта компанияси) зиммасига экологик суғурта жавобгарлигини юклаш; хусусий экологик суғуртани яратиш истиқболлари хусусида илмий асослантирилган аниқ таклиф ва тавсиялар берилган;

экологик суғуртада хавф-хатарларни аниқлаш ва прогнозлашда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш юқори самара келтириши юзасидан таклифлар берилган;

Ўзбекистон Республикасининг “Экологик суғурта тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган (лойиҳа илова қилинган).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотнинг боблари кесимида ва якунида келтирилган хулосалар, қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар табиий ресурслар ҳуқуқи, аграр ҳуқуқ, экология ҳуқуқи фанларида мавжуд бўлган назарий қарашлар, соҳадаги миллий, халқаро ва хорижий ҳуқуқий-ҳужжатлар нормалари, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётига асосланган. Тадқиқотда расмий статистик маълумотлардан, шунингдек монографик тадқиқотларда текширилган ва нашр этилган натижалардан фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, мамлакатимизда экологик суғуртани тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиради. Диссертацияда қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида, истиқболдаги тадқиқотлар ва ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган амалий тавсиялар берилган.

Диссертация материаллари ва тадқиқот натижасида олинган асосий назарий қоидалардан “Экология ҳуқуқи” курсидан, шунингдек “Экологик суғурта асослари” махсус курсидан юридик, шунингдек иқтисодий соҳадаги олий таълим муассасаларининг талабаларига дарс беришда фойдаланиш мумкин. Экологик суғурта ҳуқуқий механизмнинг амал қилиши бўйича назарда тутилган таклиф ва мулоҳазалардан суғурта компаниялари экологик суғурта бўйича фаолиятни амалга ошириш жараёнида фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Экологик суғуртани ҳуқуқий таъминлаш муаммоларига доир тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

экологик аудитнинг асосий вазифаларига экологик аудит субъекти фаолиятининг атроф-муҳит ҳолатига таъсирини баҳолаш ҳам киришига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 мартдаги “Экологик аудит тўғрисида”ги ЎРҚ–678-сон Қонунининг 6-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг 2021 йил 12 августдаги

далолатномаси). Мазкур таклиф экологик аудитнинг асосий вазифаларини аниқлаштиришга хизмат қилган;

экологик аудитнинг асосий вазифалари сирасига атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ фавқулудда вазиятларнинг юзага келиши хавфини камайтириш ҳам кириши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 мартдаги “Экологик аудит тўғрисида”ги ЎРҚ–678-сон Қонунининг 6-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг 2021 йил 12 августдаги далолатномаси). Мазкур таклиф экологик аудитнинг асосий вазифаларини янада аниқлаштиришга хизмат қилган;

экологик аудит хулосаси аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир тавсияларни, шунингдек экологик аудит субъекти томонидан амалга оширилаётган табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ва таклифларни ўз ичига олиши кераклиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 мартдаги “Экологик аудит тўғрисида”ги ЎРҚ–678-сон Қонунининг 9-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг 2021 йил 12 августдаги далолатномаси). Мазкур таклиф экологик аудит хулосаси аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир тавсиялар экологик аудит субъекти томонидан амалга оширилаётган табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

экологик аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида мустақил экани, экологик аудиторлик ташкилотларининг, шунингдек улар ходимларининг фаолиятига мустақил экологик аудитни амалга оширишга монелик қилиш мақсадида аралаштиришга ҳамда қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 мартдаги “Экологик аудит тўғрисида”ги ЎРҚ–678-сон Қонунининг 10-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг 2021 йил 12 августдаги далолатномаси). Мазкур таклиф экологик аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятида мустақиллигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, 12 та илмий мақола (шу жумладан, 1 та си хорижий нашрда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 129 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Экологик суғуртани ҳуқуқий таъминлашнинг умумий тавсифи”** деб номланган биринчи бобда экологик суғуртанинг юридик табиати, принциплари ва ўзига хос хусусиятлари, экологик суғурта муносабатларининг мазмуни, объектлари ва субъектлари, экологик суғурта нормаларининг экология ҳуқуқида тутган ўрни ва роли таҳлил қилинган.

Диссертантнинг фикрича, суғурта ижтимоий муносабатлар шакли сифатида чуқур тарихий илдизларга эга. Суғуртанинг дастлабки шакллари Хаммурапи қонунларида кўриш мумкин. Уларда савдо қарвони иштирокчилари ўртасида қароқчилар ҳужумидан етган зарарни биргаликда қоплаш ҳақида келишув тузиш назарда тутилган.

В.И.Серебровскийнинг қайд этишича, Қадимги Римда махсус ҳайъатлар тузилиб, уларнинг аъзолари вақти-вақти билан бадаллар тўлаганлар. Ҳайъат аъзоларидан бири вафот этган тақдирда унинг меросхўрига мархумни дафн этиш ва оиласини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш харажатларини қоплашга мўлжалланган пул маблағи тўланган. Ҳайъатга кириш учун кириш бадали тўланиши, сўнгра вақти-вақти билан бадаллар тўлаб турилиши лозим бўлган. Ўрта асрларда герман халқларида талончилик, босқинчилик, қирғинлардан жабрланганларга ёрдам бериш мақсадида савдогарлар гильдиялари (бирлашмалари) тузилган.

XII асрда Исландия деҳқонлари ёнғин ва молларнинг қирилишидан келадиган зарарни биргаликда қоплаш учун уюшмаларга бирлашганлар. Мулкий суғурта билан бир вақтда денгиз суғуртаси ҳам ривожланган. Масалан, Португалияда денгизчилар денгиз хавф-хатарларидан келадиган зарарни қопловчи ширкатларга бирлашганлар. 1906 йилда Англияда денгиз суғуртаси ҳақидаги қонун – Marine Insurance Act қабул қилинган¹. Мазкур мисолларда суғурта муносабатларининг илк шакллари кўриш мумкин. Улар ўрта асрларга келиб аниқ шаклга кирган. Экологик суғурта жаҳон амалиётида XX асрнинг 60-70 йилларида юзага келди. У илк бор миллий ҳуқуқий тизимларнинг норматив ҳужжатларида эмас, балки халқаро ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топди.

¹Бажайкин А.Л. Экологическое страхование: теория, практика правового регулирования: Дис. ...канд. юрид. наук. –М., 2002. 15-с.

Халқаро қонунчиликда экологик суғурта муносабатлари 1952 йил 7 октябрда Римда қабул қилинган Хорижий ҳаво кемаларининг ер юзидаги учинчи шахсларга етказган зарари тўғрисидаги конвенцияда назарда тутилган¹.

Мазкур ҳужжатда атроф табиий муҳит зарар етказилиши эҳтимоли бўлган объект сифатида ажратилмаган бўлса-да, ушбу манбанинг маъносига қараганда у фуқаролар, юридик шахслар, давлат ёхуд муниципал (маҳаллий) ҳокимият идораларига тегишли мулк деган умумлашган категория билан қамраб олинган.

Ҳужжатлар шохидлик беришича, 1980-1990 йиллар экологик суғуртанинг ривожланиш тарихида ўтиш даври ҳисобланади. Бу даврда кўплаб мамлакатларда умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишни экологик суғуртадан ажратувчи қатор норматив ҳужжатлар пайдо бўлган. Масалан, Германияда 1960 йилда қабул қилинган Сув ресурслари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатида экологик жавобгарлик ва суғурта масалалари етарлича ёритилмаган бўлиб, бу ҳол экологик суғурта шартномаларини умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномалари тизимидан ажратишни қийинлаштирган. 1980 йилда CERCLA фармони чиққач, Германия суғурта компаниялари суғурта шартномалари тузишда тажрибага эга бўла бошладилар².

Ўзбекистон суғурта институтининг юзага келиши давлатнинг мустақилликка эришиши билан бошланди. Суғурта бозори иқтисодиётдаги ўтиш даври шароитида юз берди. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши, корхоналарнинг тўлов қобилиятига эга эмаслиги, инфляция, ишсизлик, норентабель корхоналарнинг банкротлиги сингари макроиқтисодий ҳодисалар суғурта бозорига бевосита таъсир кўрсатди.

1993 йил 6 майга келиб, Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан давлатнинг суғурта қонунчилигига асос солинди. Экологик суғурта илк бор “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 1992 йил 9 декабрь Қонунининг 36-моддасида нормаланди.

Фикримизча, мамлакатимизда экологик суғуртанинг ривожланишида қуйидаги босқичларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

1.Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибида бўлган даври. Бу вақтда экологик суғурта ҳақидаги қонун ҳужжатларига қуйидаги асосий жиҳатлар хос бўлган: қонунчиликда камчиликлар бўлган, норматив базада экологик суғуртани тартибга солувчи атиги бешта модда бўлган, саноат корхонасида авария юз берган тақдирда зарар асосан давлатга етказилган, давлатнинг эса етарли молиявий маблағи, асосийси, ҳалокатнинг барча оқибатлари ва сабабларини бартараф этиш учун рағбат бўлмаган;

2.Ўзбекистоннинг мустақиллик ва ундан кейинги даври. Ҳозирги вақтда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари ҳар хил юридик кучга эга бўлган, ҳозирча ички тартибга эга бўлмаган, ички зиддиятлари, шунингдек ҳамон суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда айрим камчиликлари бўлган бирнеча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат.

¹Об ущербе, причиненном иностранными воздушными судами третьим лицам на поверхности: Конвенция от 7 октября 1952 г. // Сборник международных договоров. –М., 1984. -Вып. XXXVIII.164-с.

²Comprehensiveenvironmentalresponse, compensationandliabilityact (CERCLA)//Страховое дело.1996. –№8.12-с.

3. Ўзбекистоннинг 2017 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган кейинги даври. Мамлакатимизда экологик суғуртани ривожланишини янги даври бўлиб, бир қатор халқаро андозаларга мос замонавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш, атроф муҳитни кузатиш, унинг ифлосланиш даражасини прогноз қилиш, давлат экологик назоратини доимий ахборот билан таъминлаш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф муҳитга таъсири устидан мониторингни амалга ошириш белгиланди¹.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, мажбурий суғурта механизмидан давлат ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодиётнинг ривожланишини тезлаштириш мақсадларида кенг фойдаланади.

Ишда соҳа вакиллари (Р.Т.Давыдова)нинг тадқиқотлари ўрганилиб, суғурта (қилиш)нинг хусусиятини у ёки бу ҳодиса юз беришини олдиндан айтиб бўлмаслиги, зарарнинг пулда ёки натурал шаклда бўлиши, уни қоплаш объектив эҳтиёж эканлиги, муайян ҳодиса оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чораларининг амалга оширилиши билан боғлиқ, деган хулоасга келинди. Мутахассисларнинг (Г.П.Серов, К.А.Олейник, Г.А.Моткин, А.В.Малишенко, М.М.Нурматов) фикрлари ўрганилиб, ҳозирги илмий таълимотда “экологик суғурта” тушунчасини таърифлашда яқдиллик йўқлиги аниқланди. Бинобарин, тушунчани шакллантириш учун муносабатларнинг субъектив таркибини, мақсад ва вазифалари (функциялари), принципларини аниқлаб олиш зарур бўлди.

Таҳлиллар якунида “*экологик суғурта* – жисмоний ва юридик шахсларнинг, давлатнинг мулкӣ манфаатларини юз бериши табиий муҳит, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган экологик хавф-хатардан ҳимоя қилиш борасида суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар мажмуидир”, - деган хулосага келинди.

Ишда мутахассислар (М.Аминжонова, М.Болтаев, А.Эргашев, Н.Абдуллаева, Н.Ашурова) билан экологик суғурта муносабатларининг мазмуни, объектлари ва субъектлари таҳлил қилинди: экологик суғурта объектининг бошқа турдаги суғурта объектларидан фарқловчи асосий белгилари, экологик суғурта субъектларининг хос белгилари аниқланди.

Экологик суғуртада қуйидаги манфаатлар ҳимоя қилиниши қайд этилди:

1. Мулкӣ манфаат (юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкӣни фавқулодда экологик вазиятлар келиб чиқишидан суғурта қилиш); 2. Шахсий манфаат (жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғини фавқулодда экологик вазиятлар юз беришидан суғурта қилиш); 3. Ошиқча хавф манбалари бўлган корхоналар фаолияти жараёнида экологик авария юз берганида атроф табиий муҳитга ҳамда жисмоний ва юридик шахслар соғлиғи ва ҳаётига, фаолиятга етказиладиган зарарни қоплаш учун корхонанинг жавобгарлиги, бундан унинг манфаатдорлиги. Пировардида экологик суғурта – табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмидаги янги элементлардан бири, деган хулоса қилинди.

Соҳа мутахассислари (Ж.Т.Холмўминов, А.И.Худяков, Д.А.Керимов)нинг

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 йил, 06/22/60/0082-сон.URL: <https://lex.uz/uz/docs/5841063>.

фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, экологик суғурта нормаларининг экология ҳуқуқида туган ўрни ва ролига тўхталиб, ушбу нормалар вужудга келтирадиган муносабатлар иқтисодий, қийматга эга бўлган, қайта тақсимлаш, қайтадиган, нисбий эквивалент муносабатлар экани асослантирилди.

“Экологик суғуртани амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми” деб номланган иккинчи бобда экологик суғуртани ташкил этишда давлат органларининг ваколатлари, экологик суғурта ўтказиш тартиби ва шарт-шароитлари, экологик зарарни қоплашда экологик суғуртанинг роли ва аҳамияти таҳлил қилинган.

Муаллиф атроф табиий муҳитни ифлосланттирганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ҳамда унинг олдини олишдан иқтисодий манфаатдорликни таъминловчи хўжалик-ҳуқуқий механизм ташкилий жиҳатдан таъминланган бўлиши лозим, деб ҳисоблайди.

Дарҳақиқат, тартибга солиш давлат бошқарув идоралари томонидан табиатдан фойдаланувчилар учун иқтисодий воситаларни белгилаш орқали амалга оширилади. Бу, аввало, солиқ-кредит дастаклари, турли манбалардан молиялаштириш, нарх белгилаш, табиий ресурслар (бойликлар)дан фойдаланганлик, атроф табиий муҳитни ифлосланттирганлик, зарарли моддаларни жойлаштирганлик учун тўловлардир.

Шу маънода суғурта бозорида қўйилган вазифаларни бажаришда ваколатли давлат бошқарув органи фаолиятдан кўзланган пировард мақсад – суғурта хизматлари истеъмолчиси бўлмиш суғурта қилдирувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир.

Гап шундаки, суғурта муносабатлари пуллик, тўлов характериға эға бўлган муносабатлардир. Бинобарин, суғурта ташкилоти ўз зиммасига катта пул мажбуриятларини олади. Булар суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида суғурта тўловини амалга ошириш заруратида ифдаланади. Шу боис давлат суғурта ишида суғурталовчининг тузилган суғурта шартномалари бўйича ўз мажбуриятларини бажара олиши муаммосига, яъни суғурталовчининг молиявий барқарорлигига алоҳида эътибор беради.

Диссертантнинг фикрича, экологик суғуртанинг ўзига хос жиҳати мулкнинг нобуд бўлиши ва шикастланиши хавфларини, учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик ва шу кабиларни, яъни жуда оғир зарар келтириши, бинобарин бир жойдаги жуда оғир зарар бўйича суғурта тўловини тўлаш учун молиявий маблағларни жамлаш заруратини келтириб чиқариши мумкин бўлган таваккалчиликларни биргаликда суғурта билан қоплаш эҳтиёжига боғлиқдир.

Шундай қилиб, қуйидагилар экологик суғурта ўтказилганида суғурталовчининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятининг кафолатлари бўлиб хизмат қилиши керак: экологик суғурта давлат фонди таъсисчилардан бири сифатида иштирок этадиган тўланган устав капитали; суғурталовчиларнинг суғурта захира фондлари. Экологик суғуртанинг ўзига хос воситаларидан бири суғурталовчи ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун превентив (олдини олиш) тадбирлари жамғармасида суғурта қилдирувчилар суғурта бадалларининг бир қисми ҳисобидан маблағлар тўплашдир; экологик суғурта учун долзарб бўлган ўзаро суғурта қилиш тизими. Бу суғурталовчи суғурта қилдирувчига таваккалчиликнинг муайян қисмини ўз зиммасида сақлаши ҳақида талаблар қўйиши учун имкон беради.

Экологик суғурта соҳасидаги давлат бошқаруви – давлат органларининг суғурта фаолиятини ташкил қилиш, суғурталовчи ва суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, суғурта тўловлари тўланишини назорат қилиш, экологик авариялар ва фалокатлар юзага келишининг олдини олишдир, деган хулосага келинди.

Тадқиқотчининг фикрича, атроф муҳитнинг ҳимояланишини таъминлашни давлат томонидан самарали бошқариш учун атроф муҳитнинг ҳолати ва сифати, шунингдек бунга таъсир этувчи омиллар ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш мумкинлиги ниҳоятда муҳимдир.

Амалиётда экологик муаммоларни уларнинг сабабларига тўхталмаган ҳолда таҳлил қилиш ёки ҳал қилишга уриниш – бемаъни иш. Экологик суғуртада объектнинг экологик ҳолати ҳақида ахборотга эга бўлмай туриб суғурта ҳодисасининг юз бериш хавфини (эҳтимоллигини, таваккалчилигини) башорат қилиш мумкин эмас.

Боб давомида Ж.Т.Холмўминов, А.В.Яблоков, И.И.Гатиятулина, А.Нецветаев, М.Жилкиналар билан баҳс-мунозараларга киришилиб, айрим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар (Информационная поддержка устойчивого развития//Международный конгресс ЕВРО-98//Институт промышленного развития. –М., 1998. –№11.) таҳлилга тортилган, АҚШ, Канада, Исроил, Россия давлатлари тажрибаси ўрганилган.

Диссертант ишда экоаудитга тўхталар экан, унинг зарурлиги давлат ва маҳаллий корхоналарни хусусийлаштириш жараёнида, риэлторлик фаолиятини амалга оширишда, кўчмас мулкни, технологик жараёнлар ва корхоналарни аудитлаш ва сертификатлаш, экологик зарар учун жавобгарлик белгилашда, экологик суғурта тизимида, лицензиялар бериш учун буюртмаларни кўриб чиқишда, инвестиция лойиҳаларини экологик асослантиришда, айниқса, муҳимлигини қайд этади.

Шу маънода қонунчиликда экологик аудитнинг асосий вазифаларига экологик аудит субъекти фаолиятининг атроф-муҳит ҳолатига таъсирини баҳолаш, атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши хавфини камайтириш кириши лозимлиги илмий асослантирилган.

Маълумки, экологик аудит ўтказиш яқунлари бўйича экологик аудит хулосаси тузилади. Хулосада келгусидаги соҳа фаолияти учун муайян таклиф-тавсиялар берилиши лозим. Шунинг назарда тутиб, ишда экологик аудит хулосаси аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир тавсияларни, шунингдек экологик аудит субъекти томонидан амалга оширилаётган табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ва таклифларни ўз ичига олиши кераклиги асослаб берилган.

Шундай қилиб, суғурта компанияси ишини ташкил қилишнинг такомиллашувига қўйидагиларни ўз ичига олган методикаларнинг яхлит корпусини ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкин, деган хулосага келинди: муайян суғурта объектнинг таваккалчилик портфелини белгиловчи омиллар рўйхатлари; турли омилларнинг муҳимлигини ва таваккалчиликнинг амалдаги даражасини аниқлаш учун аҳамиятини акс эттирувчи ахборот билан ишлаш методикалари; таваккалнинг амалдаги даражасини ҳисоблаш методикалари; суғурта ҳақида қарорлар қабул қилиш учун жавобгарликни ажратиш

методикалари; юқорида келтирилган воситаларни суғурта компаниясининг иш механизмига жорий этиш методикалари.

Дарҳақиқат, экологик зарар (зиён)ни қоплаш имконияти ва ҳуқуқий механизми жуда долзарбдир. Ўнлаб ҳудудлар жиддий ташвиш уйғотади, юзлаб шаҳарларда эса ифлослантирувчи моддалар жуда кўп бўлиб, аксарият ҳолларда экологик фалокат ёқасига келиб қолган. Ривожланган мамлакатларда экологик зарарни қоплашнинг энг самарали усулларида бири экологик суғурта бўлиб, унинг асосий мақсади тўлов қобилиятига эга бўлмаган қарздорга қарши даъво талаблари билан чиққанларнинг ҳимоясини таъминлаш (кафолатлаш)дир.

Манбаларда қайд этилганидек, экологик хавфсизликни бошқариш тизимида атроф муҳитни ифлослантирганлик ва фуқароларнинг соғлиғига зарар етказганлик учун жавобгарликни суғурта қилиш ижтимоий-иқтисодий, компенсацион ва превентив функцияларни бажаради (Б.В.Ерофеев, Л.Корчевской, К.Турбинов).

Экологик зарар инсонни ўраб турган табиий яшаш муҳитидаги миқдор ва сифат йўқотишларида намоён бўлади. Ушбу йўқотишлар атроф муҳит ёхуд унинг айрим объектлари ифлосланишида; уларнинг шикастланиши ёки йўқ бўлишида (қисман ёки тўлиқ ҳолда сифат ва миқдор жиҳатдан яроқсиз ҳолга келишида); атроф муҳитнинг бузилиши ва унинг таркибий қисмлари ўртасидаги экологик алоқаларнинг бузилишида (табиий объектлар ва умуман атроф муҳит функцияларининг салоҳияти камайиши ёки йўқолишида) кўринади. Шундай қилиб, экологик зарарнинг асосий шакллари табиий ресурсларнинг ифлосланиши, тўзиши, йўқ бўлиши, шикастланиши, табиий экологик тизимларнинг бузилиши киради.

Н.Н.Абдуллаева масалага цивилистика нуқтаи назаридан ёндошиб, зарарни қоплаш миқдорини белгилашда умумий қоида қўлланилади: зарар миқдори зарарни қоплаш пайтидаги нархлар бўйича белгиланади. Баъзан, масалан, атроф муҳитга, ҳайвонот оламига зарар етказилганида унинг миқдорини аниқлаш қийин кечади, дейди. Ушбу фикрларга муаллиф ҳам қўшилади ва зарарнинг намоён бўлиш шакллари аниқлайди.

Экологик суғуртада суғурта тўловини амалга ошириш масаласини асосли равишда ҳал қилиш учун табиий офат юз берганлиги ва шу билан боғлиқ ҳолда суғурта қилинган экологик объект ҳалокатга учраганини аниқлаш биринчи даражали аҳамиятга эга, – деган хулосага келиб, экологик суғурта тўловининг шартларини кўрсатади. Айни дам ишда мамлакатимизда мажбурий экологик суғурта шаклланиш босқичида экани, уни амалга оширишда экологик аудиторлар иштироки муҳим экани, аммо экологик аудиторлик ташкилотлари бу борада ўз фаолиятини амалга оширишда мустақил эканлиги, экологик аудиторлик ташкилотларининг, шунингдек улар ходимларининг фаолиятига мустақил экологик аудитни амалга оширишга монелик қилиш мақсадида аралаштиришга ҳамда қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказишга йўл қўйилмаслиги асослантириб берилган.

“Экологик суғуртани ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш муаммолари” деб номланган учинчи бобда экологик суғуртани ташкил этиш бўйича халқаро тажрибанинг қиёсий таҳлили, Ўзбекистонда экологик суғуртани ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш истиқболларитаҳлил қилинган.

Боб доирасида ҳуқуқшунос олимлар (Л.А.Бажайкин, И.Э.Шинкаренко,

И.К.Яжлев, А.Г.Нецветаев, М.С.Жилкина, О.Икромов, У.Абдуллаев, У.Халиков, А.К.Голыченко, J.P.Nelson, W.Pommerechne, A.M.Freeman, Martin T.Katzman, Stephen P. D'Arcy)ларнинг соҳага доир қарашлари, ёндошувлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва АҚШ, Германия, Англия, Австралия, Туркия, Хитой, Қозоғистон, Россия, Озарбойжон тажрибаси ўрганилди, таҳлил қилинди.

Айрим хорижий давлатлар амалиётида “экологик суғурта” тушунчаси ишлатилмаслиги, унинг ўрнига “технологик авария ёки фалокатлар билан боғлиқ бўладиган учинчи шахсларга етказиладиган зарарни қоплаш зарурлиги сабабли хавф туғдириш эҳтимоли бўлган объектлар эгаларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини суғурта қилиш” тушунчаси мавжудлигини қайд этади.

